

84
61-29

МАРҲАБО

Тановарни ўрганоламиз



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество преданных
в долг

Всего

МАРХАБОВ

ТАНОВАРНИ ЎРТАНВОЈАМИЗ

Шеърлар

1599

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ

«LESSON PRESS»

2018

Chitadpi
talabasi
dunolondan
katalik
uchun

УЎК: 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)6
М 29

Тақризчилар:
Санъат Маҳмудова,
Зухра Алиева

М 29

Мархабо, Каримова.
Тановарни ўрганволамиз (шеърлар) / — Тошкент:
"LESSON PRESS", 2017. — 80 б.

ISBN 978-9943-4666-7-8

УЎК: 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-4666-7-8

Китобни кўчириб чоп этиш ёки шеърларни кўшиқ қилиш
муаллиф рухсати билан амалга оширилади.

Эслатма:

© Мархабо Каримова, 2018
© "LESSON PRESS" нашриёти, 2018

Ўйиш – олтин кўрағонини

Бировагас, ўзимиз учун,
Синиқ, ярим кўнглимиз учун
Бир кўрасиз оҳангнинг кучин
«Тановар»ни ўрганволамиз.

УЗУК

Эллик ёшта тўлган кунимда,
Совға қилди ўғлим бир узук.
Духобали яшил кутида,
Митигина марварид кўзлик.

Бунча нафис, бунча чиройли?!
Йиғлавордим суянтанимдан,
Нақд уч юз минг санаб бергандир,
Ўргилайин болагинамдан.

Бармоғимга қандай ярашди?!
Кўрмаганман бундайин бойлик,
Уч миллионга эрим обертган,
Олмос узукдан ҳам чиройлик.

Кунтирали билагузукни
Мерос қолдиргандилар онам,
Болам берган узук олдида,
Хира тортиб кетди ўша ҳам.

Севинчимдан ўйинга тушдим,
Бармоғимга тақволиб уни.
«Бахтли кунинг қай кунинг?» деса,
Айтар эдим бўлунги кунни.

Бирдан дедим: «Содда болам-а,
Менга узук олиб нетарди.
Рўзғорга сарфласа шу пулни,
Қанча ками битиб кетарди.

Тузукмикин еб-ичишлари?
Музлатичи тўлами экан?
Бирон ками бўлса, узукни
Келин кўриб қолса не деркан?

Хотинига айтмаган бўлса...»
Шу хижолат қийнади мени,
Даласига дедим: «Келинга
Кўрсатсамми, кўрсатмасамми?»

Улар айтди: «Келиндан кўрма.
Хижолатли не иш қилибсан?
Боқиб-боқиб, боланг қўлидан
Битта узук тақсанг тақибсан.

Ундан кўра дуо қил: «Омин!
Онасини қилган бўлса шод.
Шу боланинг икки дунёсин,
Роббим, ўзинг қилгайсан обод.

Онасига эҳсон қилибди,
Рўзғоридан, нафсидан юлиб,
Сарф қилган шу уч юз мингини,
Қайтариб бер уч миллион қилиб.

Онасини ясатибдимми,
Шу болани Роббим, ўзинг Сен,
Пайғамбарлар либоси билан,
Жаннатингда ясантгайсан».

«Омин» дедим йиғлаб: «Даласи,
Бунни қаранг, бу қандай бойлик?!
Бармоқларим қизилгимда ҳам,
Бўлмаганди бундай чиройлик».

Кулларимни силаб, чинида.
Делим: «Роса қилдинтиг хизмат,
Эллик йилда, азизаларим,
Куллуғ бўйсин бу буюк иззат.

Ҳаммаларин кўтариб, суяб.
Тетапов қилдирган ҳам сиз,
Ош-овқати, кирини қандай.
Ювар эдим сиз бўлмасангиз?

Кечагари устиларини
Бурним билан ўраимдим-а?
Тилим билан кийдираимдим,
Пайпоқларин оёқчасига?

Раҳмат, сизга, азиятларим,
Ўрдамнингиз учун ташаккур!
Ҳар бармоқ, ҳар тирноқ, ҳар бўғим,
Ҳар қарғинингиз учун минг шукр.

Ҳали сизга бу изатлар кам,
Савоб ила борсангиз агар,
Тақажаксиз ману жаннатда
Кўш-кўш олтин билатузуклар».

Шу кун гула айланган эди,
Кулимдаги ажину доғлар,
Чунки кўнглим кўчаларида
Ёнган эди минглаб чироқлар.

Бир оуракла ташландық ёттан
Кўнглим ўёди, кўнглим яшнади,
Неданигин билмадим, аммо...
Кўлим энди кўлга ўхшади.

ЖАННАТГА КЕТАН ГУРУЧ

(Укам Алишернинг уйда бўлган ҳодиса)

Беш минггина қолибди,
Чўнтагимдаги пулим
«Ошта гуруч келтиринг»,
Дейди, уйдаги гулим.

Нексиямнинг мойини,
Алмаштириб олсамми?
Ё шу пулни уяли
Телефонга солсамми?

Машинамни артеғиб,
Режа тузаетсам жим,
«Беш минг сўм керак эди»,
Деб, чиқиб қолди кўшним.

Гапи тутмай пулни
Бердим шундоқ кўшнимга
«Раҳмат акажон», дея,
Босиб олдим бағримга.

Хотин дели: «Ё тавба!» —
Туттанча, юрагини,
Охирги пулини ҳам
Бировга бердимми?

Яна кучоқлаб «Раҳмат!»
Деганингиз нимаси?!»
Делим: «Яхши ҳам беш минг
Сўрагани, аяси?

Ўн минг сўраганида,
Нима қила олардим?
Шунга суюниб кетдим,
Хижолатда қолардим.

Мискингина кўшинининг,
Яраб бир хожатига,
Эришган бўлсак, не тонг,
Аллоҳнинг жаннатига.

Фараз қилинг бутун биз,
Хазина топиб олдик,
Беш минг сўмга жаннатга,
Йўланма сотиб олдик.

Сўз бор, бир яхшиликка
Минг яхшилик фараз бўлди,
Шу бутунги паговга
Парвардигор «қарз» бўлди»*.

Хотин дели: — Майли-ю,
Гуруч бўлса яхшийдди.
Уй тўла ўғил бола,
Уч кунда бир ош ейди.

— Ош бўлмаса шўрва-да,
Куюнманг, ёза Худо,
Шу гуручнинг ошини,
Жаннатда еймиз, пошшо.

* «Бир-бирларинингизга яхшилик қилиш билан Парвардигорингизни қарз қилинг». Оятдан.

Духтир деди: «Жон керакмасми?
Ёгинг, юрак бир хилда урсин».
Коридада деди: «Тинч кўйинг,
Жоним мента чиласа, турсин».

КЎЙГАН ҚИЗНИНГ НАДОМАТИ

Она ўтди, кўзимиз ёш,
Гўё кўждан кетди куёш.
Ғамимизга қилиб талош,
Онамизни биз ўлдирдик.

Пичоқ билан сўймасак ҳам,
Чилвир билан бўғмасак ҳам.
Адо бўлди ташвишлардан,
Онамизни биз ўлдирдик.

Болалари чиқди ҳар хил,
Бири доно, бири жоҳил.
Қилолмади асло аҳил,
Онамизни биз ўлдирдик.

Ичди, чекди нодон ўғли,
Эр куйдирди, юрмай тўғри.
Қонга тўлди, нафис кўнгли,
Онамизни биз ўлдирдик.

Келинлари турди қайраб,
Ўғиллари турди силтаб.
Асабларин бутаб-бутаб,
Онамизни биз ўлдирдик.

Эрга тегиб, келдик қайтиб.
Хар ғалвани турдик айтиб,
Ичларига ютиб-ютиб...
Онамизни биз ўлдирдик.

Яшагилар йиғлаб, чўкиб,
Юракларин чокин сўжиб.
Азроилга бердик тутиб,
Онамизни биз ўлдирдик.

Кўшни билан олиштириб,
Овсин билан солиштириб.
Эри билан уриштириб,
Онамизни биз ўлдирдик.

Юролмалик эҳтиётлаб,
Камим кўп, деб келдик доллаб.
Чидолмасдан кетди портлаб,
Онамизни биз ўлдирдик.

Йиғлаб дейсиз: «Кабутарим,
Учди, кетди кўнгли ярим».
Тан олайлик, укаларим,
Онамизни биз ўлдирдик.

Она-она экан ҳар дам,
Ибрат бўлди ўлими ҳам.
Бўлиб қолдик аҳил, бирдам,
Онамизни биз ўлдирдик.

Олдин бўласак бўлмасмиди?
Кўнгли нурга тўлмасмиди?
Бундай эрта сўнмасмиди?
Онамизни биз ўлдирдик.

Хой, уйида ғам кўп, сингил.
Рўзғорида кам кўп, сингил,
Ечилдими энди читил?
Онамизни биз ўлдирдик.

Хой ўтил, хой маст, куйдирги,
Ғаминг ажлар бўлиб юлди.
Йўлинг пойлайдиган кетди,
Онамизни биз ўлдирдик.

Нима энди кўз-ёш, йиғи?
У қалбдаги Куёш эди.
Кайтиб келармиди энди?!
Онамизни биз ўлдирдик.

Албатта, Ҳақ тақдир қилди,
Фариштаси тадбир қилди,
Сабаб — ғамлар тавсир қилди,
Онамизни биз ўлдирдик.

Ота-она токи ҳаёт,
Кувонтиринг, қилинг иззат.
Азизларим, бу бир ибрат,
Онамизни биз ўлдирдик.

КУЛРАНГ СОЧЛАР МАНЗАРАСИ

(Устоз М. Мадридзиева)

Бу ранг қорамас, ё оқмас, бир рангдир,
ё икки ранг аро, унсиз бир жангдир,
Бир жангки, қўшилар ҳисоби бир хил,
Аммо бирисининг аҳволи тангдир.

Дунё дунёдирки, икки ранг жанги,
Куёш барҳақ экан, тунни енгар тонг,
Бир кун оқ бўлар деб, ҳаётнинг ранги,
Кулранг сочларингиз уриб турар бонг.

Йиллар ўтар, Оқлар ғолиб келар боз,
Соҳда, мана, бодом гуллаб турибди,
Шогирдлар ҳайратда: «Вожаб, устоз –
Қалбини бошида олиб юрибди!»

МАРСИЯ

(Тошкентлик қадроним Ўлмасхон ҳожи
опани Алоҳ раҳмат қилсин)

Опам эди меҳри жонда,
Битта эди бу жаҳонда.
Йўқлаб борсам Рамазонда,
Ўлмас опам ўтибди-я.

Ўзоқ эди уйларимиз,
Яқин эди дилларимиз.
Тўрт ой боролмасам, эсиз,
Ўлмас опам ўтибди-я.

Йиғлаб чиқди келинлари,
Қизларидай эди бари.
«Топиб беринг, опам қани?»
Ўлмас опам ўтибди-я.

Қизлари йўқ бўлган билан,
Ўғиллар меҳрибон бирам,
Юрардилар қувноқ, бардам,
Ўлмас опам ўтибди-я.

Маҳалла-ю уй, остона,
Файзи эди ҳожи она.
Қон босим бўлиб-бахона,
Ўлмас опам ўтибди-я.

Бемор бўлди-ю қайнонам, қилди
Ўрағашиб қолдим мен ҳам.
Бўшаб, энди йўқлаб келсам,
Ўлмас опам ўтибди-я.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIG VA O'RI TA MAKSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRSHO
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тилларидан томиб асал,
Ўқир эдилар шеър, ғазал.
Сим қоқарди мenden аввал,
Ўлмас опам ўтибди-я.

Ўғиллари иззатида,
Келинлари хизматида.
Ҳавас қилар эдим жуда.
Ўлмас опам ўтибди-я.

Аёл эди ловулаган,
Бағрим йиғлаб увиллаган.
Бутун Тошкент хувиллаган.
Ўлмас опам ўтибди-я.

Етмишга ҳам тўлмалими?
Ўлмасхон ҳам ўладими?
Шунақа ҳам бўладими?
Ўлмас опам ўтибди-я.

Ўлимдан қон бўлмай бағир,
Тирикликда қилинг қадр.
Шундай дилбар, шундай нодир,
Ўлмас опам ўтибди-я.

Мен кеч қолдим, сиз ултуринг,
Иймонлашинг, қилинг турунг,
Яқинларни йўқлаб туринг,
Ўлмас опам ўтибди-я.

Ойу кунлар ўтган сари,
Билинади ўринлари.
Нурга тўлсин қабрлари,
Ўлмас опам ўтибди-я.

1 ИЮНЬ — БОЛАЛАР КУНИ

Бекор, бекор, бекор! Шунчаки гап-да,
Болага етарми бир кун, ой, ҳафта?
Ҳар ҳолда Шимол, Шарқ, Жанубу Ғарбда,
Умрининг ҳар кунни — болалар кунни.

Наҳотки, уч юз олтмиш беш кундан
Жужужуқларга тегса фақат бир кунни?
Ҳозир исбот қилиб бераман шундан,
Умрининг ҳар кунни — болалар кунни.

Егиб югурамыз ўшаларни деб,
Ўлиб тириламиз ўшаларни деб.
Ҳар лаҳза, ҳар онда ғамларини еб,
Умрининг ҳар кунни — болалар кунни.

Ҳали бола бўлиб туғилмасидан,
Чопқилиб, қийқириб, югурмасидан.
Топлими онасин қорнидан маскан?
Умрининг ҳар кунни — болалар кунни.

Бошқоронғилиги бошландими, бас,
Бола таъби ила олади нафас.
Мана бу мулкину, бу мулкин эмас,
Умрининг ҳар кунни — болалар кунни.

Аллоҳ қудративо фаннинг фикрича,
Ҳомиллада уч, тўрт, беш ҳафта ичига.
Туғилмиш марказий асаб тизимча,
Умрининг ҳар кунни — болалар кунни.

Онаси асабий бўлмасин бу пайт,
Изтироб, ғазабли бўлмасин бу пайт.
Яхши кайфиятда юрсин аҳли байт,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Уч ҳафтадан олти ҳафтагача, то,
Болага юракча этилмиш ато.
Бир умрлик соат юрсин беҳато,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Олти, тўққиз ҳафта лаб-лунжу, оғиз,
Танглай-у, тил, милку тишлар учун из.
Тўрт, тўққиз ҳафтада кулоқ, эшитиш,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Тўртинчи ҳафтадан саккизгача то,
Боланинг кўзлари бўлармиш пайдо.
Оқию қораси, қабок, нур-зиё,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Бош, оёғу, қўллар, турфа хил аъзо,
Яна қалбу диллар этилмиш ато.
Бари ўлчов, ҳикмат билан беҳато,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Қирқ иккинчи кун бир фаришта келиб,
Жинси ва тақдирин кетармиш битиб.
Хулки жамил сўрант, ўтирманг кутиб,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Шу кунгача тилант не истасангиз,
Қандай ўғил керак, керак қандай қиз.
Тақдирин битилгач, кечга қоласиз,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Қалам кўтарилиди, сиёҳ қуриди,
Тугилгач, бу ёғи ижро мавриди.
Сўрант зигирчалигида вужуди,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Ўттиз саккиз ҳафта ёки ўтиб сал,
Тамоми аъзоси бўлар мукаммал.
Тугили қолсайди, кўзимиз маҳтал,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Яна Аллоҳ билар — валлоҳу аълам,
Тақдирини нима, кўрамиз баҳам.
Ниҳоят тугилиди, энди чиндан ҳам,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Духтирга, доғга, суяончи — ҳадя,
Ўлаққа хуш исм, одоб, тарбия,
Аллоҳга шукр, ҳамд айтсак кифоя,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Йўлга киртунича чўмилтир, ёлга,
Қорни дам, ичи кўк, «памперс»ин боғла,
Эмлат, «инта-инта», «ухла», «жим», «алла»,
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

«Вой, қошини қара, кўзини қара,
Ота-она, бобо, бувилар нима.
Улар деб, бутун бир давлат оввора
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

Қанча боғча, мактаб, устозлар қутар,
Соғ бўлсин, илм олсин, ўргансин хунар.
Шулар дея бедор, ҳатто, султонлар
Умрининг ҳар куни — болалар куни.

«Катта бўлса ундай, бундай бўлади,
Осмондаги ой-у, кундай бўлади»,
Иншаоллоҳ, ҳали шундай бўлади,
Умрининг ҳар кўни — болалар кўни.

Ўсиб, камол топиб, таниб дунёлар,
Келтирар бахт, қувонч, тоҳо ғавғолар,
Қолгани ўзингиз билган савдолар,
Умрининг ҳар кўни — болалар кўни.

Йўғидан сакласин, борига шуккур,
Яхшиси ҳар икки дунёда ҳузур,
Сиз бир кун деманг-да, барака тошпур,
Умрининг ҳар кўни — болалар кўни.

ЭНГ ЯХШИ ҲАСАД

Японларнинг юртидан,
Ўғлим қилди кўнғироқ,
Шу эл урф-одатларин,
Гапириб берди узоқ.

Эртага ҳам яна бир,
Зур томоша кўраркан,
Бир оилада ажралиш,
Маросими бўларкан.

Делим: «Вой-вой! Ажралиш
Биласанми, қанақа?
Хунук ишлар бўлади,
Асло борма у ёкка.

Бегоналар олдида,
Эру-хотин уришар,
Бир-бирининг бошидан
Мағзавалар қуйишар.

Қайнонаси келинин,
Келин уни қоралар,
Мўлтирашар ўртада
Тирик етим болалар.

Қудалар бир бирита,
Пиёғини қайрашиб,
Сочларини юлишар,
Базан уй-жой таллашиб.

Бақир-чақир, тўполон,
Кек, атмдан ёниб кўз,
Айтилади, ҳаттоки,
«Талоқ» деган хунук сўз.

Нафрат, изтироб, ташвиш,
Хар иккала томонда,
Тўй яхши-ю, мана шу,
Ажралишлар ёмон-да.

Улар японлар бўлса,
Ташвиш бўлдинг-ку, менга,
Қилич-пилич отишса,
Тегиб кетмасин сенга,

Сир очилса, вой, улар,
Ориятги бўлади,
Эр ўзин ё хотинин,
«Харакиро» қилади.

Биласанми, нима у,
«Харакиро» дегани?
Самурай ханжар билан
Ўзини ўлдирди.

Ўша ерга хавотир,
Олмасин, десанг, онам,
Бронажелет билан,
Каска кийиб бор, болам».

Ўғлим кула-кула дер:
— Кўнглингизни қилинг тўқ,
Бу ерда қилич таққан,
Самурайлар энди йўқ.

Бутун борган жойимда,
Кўрганларим ҳаммасин,
Тасвирга олиб сизга,
Юбораман тасмасин.

Уч кундан сўнг қошимга,
Кўйиб ўтирсам ўсма,
Уйимга келди ўғлим,
Юборган кинотасма.

Ўғлим сим қоқди: «Тасма,
Жа кўрқинчли, ажон,
Уни кўришдан олдин,
Тақволнинг қилич-қалқон.

Даламга ҳам тайинланг,
Ўтирсин ушлаб ханжар,
Шарта отсин бирорга,
Самурай чиқса агар».

— Вой ўлмасам, — дедим мен,
Ичиб юрак доримни,
— Ўзи сен аҳмоқ бода,
Эшитмадинг зоримни.

Отангнинг қон босими,
Ошса нима қиламан?
Хап, сеними, қараб тур,
Келсанг, ўзим биламан.

Тасмани шоша-писа,
Кўйиб кўриб даласи,
Деди: «Бу — тўй-ку, ўғлинг,
Янглишибди, чамаси.

Кўринмайди суд зали,
Тўйхона-ку, бир обод,
Тўкин-сочин дастурухон,
Ҳамма хурсанд, ҳамма шод.

Ўқрайган, қовоқ солган,
Бирор одам йўқ, мана,
Никоҳмикин ёки бир,
Туғилган кунмикин-а.

Ўғлимни рақамига,
Кўнироқ қилиб дедим:
— Жон болам, бу тасманда,
Уришмапти ҳеч ким.

Бу қанақа одамлар?
Тушунмайтмиз сирин,
Тавзим билан гул бериб,
Қўглашпти бир-бирин.

Ўғлим деди: «Бу халқнинг,
Шундай урф-рўсуми,
Худди тўйдёқ ўтаркан, —
Ажрашиш маросими.

Эсталикка суратта,
Тушиб қайнона-келин,
Видолашув олдидан,
Ўпишаркан бир-бирин.

Эр-хотин эсдаликка,
Совға берар, бахт тилаб,
Ўша кўни ўртада,
Бўлмас экан ноҳуш гап.

Айтиб рози-ризалик,
Сўраларкан кечирим,
Шундан кейин ўртада,
Бўлар экан ажирим».

Дедим: «Вой, тавба, тавба,
Бу бир ибрат-ку катта,
Кўп жойда нега шу кун,
Жанжал бўлар, албатта.

Яхшиликча ажралмоқ,
Бу қандай гўзал одат?!
Японларда экан-ку,
Энг улуғ маданият».

— Эсим, — дея дедаси,
Ясадишар хулоса,
— Бўлмасмиди шу урфни,
Дунё биздан ўрганса.

Ўн тўрт аср аввал кўкка,
Чиққач ислом офтоби,
Оятда келган ҳатто,
Ажралишлар одоби.

Пок яшаб, керак бўлса,
Яхшиликча айрилимак,
Бу — Ислом хулқи, асли,
Бизда бўлиши керак.

Дедим: «Ғапингиз тўғри,
Нодонлик бу, дедаси,
Икки қудда томон ҳам,
Битта юртнинг болагиси.

Гўзал хулқимиз туриб,
Бузилса тар орамиз,
Нега аччиқ тил, алам,
Нафрат билан борамиз?

Илму маърифат, одоб,
Гуркираган миллатда,
Овозини кўтариб,
Гапирмоқ ҳам иллат-да.

Маҳаллага чиксам-у,
Хайқирсам: «Қадрдонлар!
Биздан ўзиб кетибди,
Маросимда японлар».

Келинг, шу гўзал урфни,
Ўзлаштириб оламиз,
Аразлашган томонга,
Хурмат билан борамиз.

Даласи дедилар: «Кўй,
Ажралиш тўй бўлса ҳам,
У даврада ҳеч меҳмон,
Ўтиролмас хотиржам.

Ундан кўра, ким араз,
Жуфт қилиниб бошлари,
Тинч обод юртимизда,
Бўлсин «яраш ош»лари.

Ҳасаддан японларга,
Ичимиз куйса, куйсин,
Бўзилмасин ҳеч бир уй,
Рўзгор мустаҳкам бўлсин».

Суд бинوسي олдида,
Хар сафар ўтган сарим,
Барибир японларга
Келаверар ҳасадим.

КЎШНИЖОНИМ, АЙЛНАЙ

Бир кўшним бор, вазмин, беозор,
Келини тунд, нодон, дилозор,
Бир кун дедим: «Ўроқ, зўр иш бор,
«Тановар»ни ўрганволамиз».

Ўтирибди сўлиган гулдек,
Гоҳо ўйнаб, тоҳ санчиб юрак.
Бу шўрликни чапгиши керак,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Ичганда ҳам она қонини.
Ўғли олар хотин ёнини,
«Юринг», дейман, аёб жонини,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Келин бўлмай, курсин, беҳаё,
Сиқилманг, бу қайтгувчи дунё.
Боласидан тортсин, илоё,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Яхши келин бўлгандингиз, сиз,
Кайнонам, деб ўлгандингиз, сиз.
Эссиз, меҳр кўрмалдингиз, сиз,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Нимасига бўласиз, хафа?
Тарбиясиз, битта мишқи-да.
Ўзлари ҳам боқяпти бола,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Бу аҳмоқлар нима кўрибди?
Корнидагин ёғ, деб юрибди.
Юринг, шўрвам пишиб турибди,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Кўшним деди: «Кўйи бормикин?»
Дедим: «Ўғлим келтирган дискин.
Айвонимга кирволиб, секин,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Кимнингдир «қиз базми»да роса,
Хиром этган битта раққоса.
Беш-ўн марта қилсак томоша,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Шайтониймас бу оҳанг ўзи,
Илоҳий ишқ ҳақида сўзи.
Ёниб кетди кўшнимнинг кўзи,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Оҳангларин эшитган саринг,
Эзгуликка тўлади қалбинг.
Уйингизни бўлди, унутинг.
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Ерта қараб ўйнарди бўвим,
Паст овозда сўзларди бўвим.
Биз ҳам қилиб ўшандоқ удум.
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Аёлларга шу рақс муносиб,
Ўзимизни ёт кўздан тўсиб.
Деразамга бир нима осиб,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Бировгамас ўзимиз учун,
Синик, ярим кўнглимиз учун.
Бир кўрасиз оҳангнинг кучин,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Энди келин жанжал бошласа,
Ғамза билан, завқ билан аста.
Ўйнаб беринг бўлиб ораста,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Ўзини ҳам ўйинга тортиб,
Шу куй билан кўнглин юмшатиб.
Зора феълин олсак тузатиб,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Ўшанда ҳам одам бўлмаса,
«Уйимда бир итим бор» дег-да.
Парво қилманг, ҳеч бўлманг хафа,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Бу куй — ўзбек аёлин қалби,
Мужассам ишқ, салоқат, сабри.
Майрифати, бешигу қабри,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Кўлимизни ёзиб хур, озод,
Бармоқларни қарсиллатиб шод.
Ғам уйини қиламиз барбод,
«Тановар»ни ўрганволамиз.

ЙЎКОЛГАН ШАХАР

Фарғоналик қиз бориб,
Андижонда ўқирди,
Андижонлик йигитча,
Севиб, шеърлар тўқирди.

Бордилар совчи бўлиб,
Бир куни ота-она,
Тўй куни белгиланди,
Севги бўлиб баҳона.

«Кеч қолдим, элтиб қўйинг,
Фарғонага», деди қиз.

Бу гапни шу ошину
Девонага деди қиз.

Йўлга тушди у ошиқ,
Уловини елдириб,

Топишолмас, ё фалак,
Фарғонани қидириб.

Ажаб, қандай ҳайдовчи,
Рулни олди қўлига?
Ногоҳ тушиб қолганмиш,
Қувасойнинг йўлига.

Қиз дер: «Бу қандай юриш,
Ҳайланг тезроқ, шошайлик,
Менга адир не керак,
Фарғонани топайлик».

Минг бор юрган йўли-ку,
Товба, нега адашар,
Бу йўл билмас ҳайдовчи,
Қирдан тушиб, қир ошар.

Тўхтамайди улови,
Тугамайди гапи ҳам,
Ҳозир унга барибир,
Йўлнинг ўнгу-чапи ҳам.

— Ой жойида, осмон ҳам,
Эй Машраби девона,
Харитани бир кўринг,
Қайда қолди Фарғона?

Ахир уни кент қилиб,
Не-не зотлар кўтарган,
Шундай катта бир шаҳар,
Йўқолса ҳам бўларкан?!

Уйга атар кеч борсам,
Далам соғ қўймас мени,
Икки соат йўл юрдик,
Ахир Фарғона қани?

Одам юрмас йўлларга
Буриламиз тинмасдан,
Нега яшаб юрибсиз,
Фарғонани билмасдан?

Кеб қолишди бир жойга,
«Қизил аскар»миш номи,
— Вой, бу қаер? — деса, дер:
— Малагаскар ороли.

— Малагаскар бўларди,
Африка қитъасида,
Нима қилиб юрибди,
Водийнинг ўртасида.

— Билмадим, юргандир-да,
Бизга ўхшаб адашиб,
Хаяжондан кўзим ҳам,
Кетаяпти қамашиб.

— Бу қандайин узумзор,
«Аввал»ми ё «Логон»ми?
Тавба, бу хайдовчининг,
Эси оғиб қолгонми?

Қиз шоширар: «Тез бўлинг», —
Кўкка чиқар фигони,
— Не бўлса ҳам, бензини
Туғамасин, илойим.

— Тугаса тугар, — дея,
Йигит сўзлади илиқ, —
Фарғона бу — хижрондир,
Фарғона бу — айрилиқ.

— Не қилай олдингиздан
Кеттим ҳеч келмаяпти,
Шунинг-чун Фарғонага
Етим ҳеч келмаяпти.

ҚИЗЛОҚНИНГ ОРЗУСИ

Кўшни қизча биллурга делим:
«Улғайсанг ким бўласан, қизим?
Дўхтир, устоз?» У деди: «Ҳеч ким,
Катта бўлсам, келин бўламан».

Бувим айтган «Сўзлагин аста,
Ховли-уйни тутгин ораста,
Тайёр турсин сочик, обдаста,
Катта бўлсам келин бўламан».

Уйимизда бувим зўр устоз,
Дейдиларки: «Қалам олиб ёз:
Қиз болага қирқ хунаҳ ҳам оз».
Катта бўлсам келин бўламан.

Одоб билан юришим керак,
Доим саҳар туришим керак.
Кийиб зарли атласдан кўйлак,
Катта бўлсам, келин бўламан.

Чақирсалар «лаббай», деб келиб,
Койисалар «узр» деб кулиб.
Иш айтсалар, «хўп бўлади» деб,
Катта бўлсам, келин бўламан.

Ўрганиямман ҳар хил ишларни,
Меҳмон кутиб, кузатишларни.
Чой куйиб, чой узатишларни,
Катта бўлсам, келин бўламан.

Ювапман дадам пайпоғин,
Дазмоллайман ўнг-терс, киргоғин.
Тахлаб, ростлаб кийим жавонин,
Катта бўлсам, келин бўламан.

Тўфдиларин мойлашим керак,
Бўйинбоғин бойлашим керак.
Даструмолин жойлашим керак,
Катта бўлсам, келин бўламан.

Ковушларни тўрилаб, артиб,
Даҳизларда ўрнатиб тартиб.
Ошхонани ҳало, пок тутиб,
Катта бўлсам, келин бўламан.

Бежиз ёнмас чироғим бир дам,
Тежайман ўт-оловимни ҳам.
Исрофтар бу — энг ёмон одам,
Катта бўлсам, келин бўламан.

Мумкин эмас менга аразлаш,
Кош чимириб, хўрайиб қараш.
Фийбат қилиш, тортишиш, алдаш,
Катта бўлсам, келин бўламан.

Каттиқ сўзлаш эп эмас бизга,
Шарму ҳаё керак ҳар кўзга.
Совчи келмас беодоб қизга,
Катта бўлсам, келин бўламан.

Бичиш, тикиш, тўқишим керак,
Факат бешта ўқишим керак.
Муҳими, гап ўқишим керак,
Катта бўлсам, келин бўламан».

Четқолдан абба ёзиغان шеърлар

Кифтим менинг битта ородир,
Йашади унда бировлар,
Қондошларим ичра бир бек йўқ,
Менга ўхшаш, бари — қаролар.



УЙҒОНИШ

Бошли одам, айттин, ҳой,
Осмон борми, нур борми?
Кушлар борми ё фақат
Яралганми чумоли?
Елкамдаги оғир тош
Бошми ё улкан кулоқ?
Айланарми Куёшта
Кўксимдаги шамчиरोқ?
Бир яхши кун менинг ҳам
Чиқармикин «тил»ларим?
Вой, тиззам-эй, мента бу
Юришни ўргатган ким?...

1983 йил

ЭРК

Менинг руҳим боғлиқ, бас,
Оёғим-да занжирли.
Кўксимда бир туйғу йўқ
Салокатдан арзирли.
Зиндонсифат қурилиб,
«Бахт» аталган қасрда
Бахтиёр бўлишим шарт,
Айниқса шу асрда.
Сента элтар йўлларга
Жинлар макон қурмишлар,
Ялмоғизлар тиш қайраб,
Мени пойлаб турмишлар.
Мента келар йўллар жим —
Салосиздир, сассиздир,
Аждару девларидан
Одам зоти бахтсиздир.
Бу махлуклар маккордир,
Уруш бошлар қўшилсак.
Кора тўқмоқ ушлашиб,
Юриш бошлар қўшилсак.
Бир танмиз-у яшаймиз,
Икки ёққа бўлиниб.
«Вой, жоним-а!» дейиш маън,
Одамларга кўриниб.
Менинг боқий насибам —
Жим юришдир — қийноқдир.
Бир дардсанки, сен билан
Оримок ҳам гуноҳдир.

1988 йил

УНЛИЛАР

Биз йўл олдиқ олис сафарга,
Бундан роса етмиш йил олдин.
Ҳамроҳларим — фақат ҳарфлар,
Мен ҳам ҳарфга айланиб қолдим.
Унлиларнинг бири бўлдим мен,
Акаларим — бошқа унлилар,
Дак-дақ унсиз йўлдошларининг
Қилмишидан кўнгилни ҳунлилар.
Биз — унлилар саноқли эдик,
Улар мўру малаҳ эдилар.
Бош ҳарф деган мансабларни деб,
Кўр эдилар, қарахт эдилар.
Мана улар, минг хил кепата:
«Х» десанг «Х», «Ғ» «Ғ» дай эмас,
Манов «Х» «б» бўлмоққа тайёр,
Улкан қилиб ёзишсалар бас.
Ковуштириб, жамланай десанг,
«Ўзбек» деган сўз бўлмоқ мушкул.
«б» талашар «з» нинг ўрнини,
Бош ҳарфга яқинлик — ҳузур.
«к» га пойтак кўринар баҳо
Ахир унинг қимдан неси кам?
Маъно унинг ишимас асло,
Ўз йўлга Бурч ҳам, Ватан ҳам.
Унлилар-эй, чиқдилар ёмон.
Мавно, Миллат, Ватан, деб ҳар он
Унсизларни босиб келдилар,
Бас, уларнинг бардоши битди!
Шон дедилар, Мансаб дедилар,
Тинчлик, соғлик, асаб дедилар,
Бошларига чиркин қоп ёппи,
Қуриб қолган дарахтни топпи,

Унлиларни осиб келдилар!
О, ... Бўғзимда қолди унларим,
Умр ўтди сиртмоққа бекор.
Қишлар кетди, келмади бироқ
Биз осилган дарахтга баҳор.
Соқов бўлган Ватан йиғлади,
Байрам қилди унсизлар роса,
Шўрлик халқ-ей оғриқ кўзларин
Юмганича қилди томоша...
Бошсиз қолган юртнинг аҳволи
Яна шундай баён бўлади:
Унсиз ҳарфлардан гап тузиб,
Бир ўқилса аён бўлади.

1983 й.

Бу бўлим — машинанинг
Эҳтиёт қисмлари —
Аккумуляторми, мотор
Ёзилган исмлари.

Буларни топиш-чун кўп
Оғизларни «мой»ладик,
Иш чикмагач, охири
«Мутахассис» ёлладик,

Бу бўлимда яримта
Атир совун турарди,
Ҳали бир чол келдию
Ногоҳ ютиб юборди.

Айтишича, кампири
Кириламоқдан битлаган
Чол тушмагур оғзида
Элтиб бермоқчи экан.

Совун ахир совун-да,
Кетиб қолган томоққа.
Чол шўрликнинг бир пастда,
Жони келди рамаққа.

Жарроҳлар ошқозондан
Қидирмоқда совунни.
Ўз ўрнига қўямиз
Бўлса ҳамки олқинди.

Зерикарли кўп моллар
Бу бурчакда сақланар.
Виждон, иймон, оқибат
Ва ҳоказо нарсалар.

Хув, бўш турган тоқчага
Соф ўзбекча тил керак.
Ёнига яна бир жуфт
Эътиқодли дил керак.

Кўртазаминиз ранг-баранг
Кундан-кунга ўзгача,
Келтирамиз тез кунда
Гурут билан тузгача.

Бир нусхадан бўлса ҳам
Борига қилинг шуккур,
Афсус, эгри кўллардан
Сақлаш бўлмоқда мушкул.

Ташриф учун минг кулдук,
Эшик ана, марҳамат.
Қиссангизни ағдариб
Кўрсатиб кетинг фақат.

ТЕСКАРИ ЭРТАК

Дехқон, айиқ икковлон —
 Ибтидоий шериклар.
 Дехқонвойнинг ерига
 Бир гал чигит эждилар.
 Пахта захмати аниқ
 Ишлаш керак шитоб, жим,
 Кетмончи бўлди дехқон
 Айиқ бўлди хитобчи.
 — Ҳа, бўл, қани ур кетмон,
 Бу йил шлан — юз млн. т.
 — Бажарамиз бериб жон,
 Мулдлатидан илтари!
 Ўтоқ, чопиқ, яғана
 «Шарбат» оқиз, ўғит сол,
 Шўрлик дехқон хожатта
 Боролмасди бемалол,
 Хитобчи ҳам кўп толди
 Очилгунча пахта сал,
 Билди, дехқон автоди
 Ишлайверар мақтаса,
 Терим иши азалги
 «Техника»га ортилди,
 Яъни кузда далага
 Дехқончалар тортилди.
 Осмонга етди хирмон
 Қолди ғўзапоёси.
 Айиқ деди дехқонга:
 «Илпизими, поёси?»
 Дехқон бироз ўйланди:
 Қайси бири емишли?
 Кийиб бўлар қай бирин,
 Қайси бири шимишли?

Айиқ деди: «Ўйланма!
 Ишларинг сўзсиз ҳалол.
 Илпиздан поятча
 Тортиқ қилдим, олақол».
 Хитоб қилди сўнг яна:
 «Дехқонполовон яшасин!
 Такли дехқон кўксига
 Эшагининг тақасин.
 Ўйта ташиб «ҳосил»ни,
 Дехқонлар хўб ишлашди.
 Афсус, билмас қандай еб,
 Қасридан тишлашни.
 Айиқ эса бел боғлаб,
 Пахта сотди дунёга.
 Эшагин тишигача
 Айлангирди тилтога.
 Дехқон эса оч-наҳор,
 Қадри бўлиб бир пуллик,
 Даласига ҳар баҳор
 Айиқни қилди шерик.
 Яна офтоб, жалада
 Очин-тўқин, кийимсиз.
 Дехқончалар далада
 Келажаксиз, илмисиз.
 Хитобчилар номини
 Яна тенглар юлдузга.
 Дехқон тикар жонини
 Поя билан илпизга.

БРИГАДИР

Мухтор ака КОДИРОВА

Барри бўм-бўш қолди даланнинг,
Жондан бўлак борини тўқди.
Осмон каби юксак марранинг
Этагидан тутолмай чўқди.

Сувдан галвир кўтарди деҳқон,
Бўш галвирнинг юки кўп оғир,
Ўтирасиз шулторда гирён.
Азоб берар санчитан бағир.

Сизга бир бор «Хорманг!» демасдан
«Халқ артисти» бўлган кимсалар,
Жанобларнинг кўнглин олмоққа
Чет элларга жўнаб кетарлар,

Сизга эса маҳалладаги
Ушқоқина мавсумий боғча
Кўнгли учун қилиниб эви,
Икки кунда бўлар «Чойхона».

Омон бўлсин жисмоний ҳордик,
Омон бўлсин эски патефон.
«Чойхона»та кирасиз сўниқ
Расул Қори куйлайди гирён:

«Ёндиройин дермусан, куйдиройин дермусан?
Яна бошимга бағолар ёндиройин дермусан?
Осмондин ерта ташлаб, халқ аро расво қилиб,
Тушунча болу паримни юлдиройин дермусан?»

Ўйланасиз: ишладик тинмай, янги
Чўнтак қуруқ, нимага? Нечун?
Шунча меҳнат қилиш шартмиди,
Ўзапов йиғмоғлик учун?!

Бирам узок қишнинг туңлари,
Чўзиласиз, армон ботади.
Сиз сизинган кўп «каба»ларда
Сиз йўқотган тонглар отади...

1989 йил

БОЛТАВОЙНИНГ «СИГИР»ЛАРИ

Амирқодан сайёҳ меҳмон келибди,
Миллионер колхозни кўрмоқчи эмиш.
Ким қандай яшайди, қандай юрибди,
Колхозчи уйида борми қўй, говмиш?

Уч-тўрт хонадонни кўрсатди раис,
«Сувчи Болтавойнинг уйи шу гўша!»
Бир уй бола-бақра, гуллар бор — нафис,
Уйи мундайроғу, сиғири — қўшша.

«Қатигингдан келтир» демали раис,
Лекин меҳмон мамнун — кўрди барини.
Тонгла ўша уйдан подачи Ҳафиз
Олиб кетди колхоз сиғирларини.

1987 йил

ОРЗУ

Кифтим менинг битта оролду,
Яшашди унда «биров»лар.
Кондошларим ичра бир бек йўқ,
Менга ўхшаш бари қароллар.

Чарчадим, деб исён қилмасак,
Бўй баробар кенглик берилган,
Қатор ва бир юрмоғимиз шарт,
Бизга олий тенглик берилган.

Кўчаси кўп менинг кўнглимининг,
Бу дунёнинг йўлаклари тор.
Ундан-да тор шох низомига
Телба дилининг сиемоғи душвор.

Оёғимда саксон хил кишан,
Бир бошимда тўқсон тўққиз дор.
Ҳеч бўлмаса отдай яшашга
На йўланмам, на ҳуққим бор.

Бир эгарим бўларди шунда,
Бир чавандоз — эгам бўларди.
Бир бўйнимда юз жутан эмас.
Биттагина юган бўларди.

Бошпўртим ҳам бўлмасди менинг,
Кимникиман, қайд этилмасди.
Энг муҳими, бошқа отлардан,
Ўзиб кетиш рад этилмасди.

1989 йил

ШОИРНИ ҒАМГИН КЎРГАНДА

Устоз, бу дунёга хайфдир шoir,
Бу дунё ШОХМОТдир, МОТлар ютади,
Майдонда халқ қoлиб ўғрими, қаззоб,
Маскопда ўтирган зoтлар ютади.

Етмиш йил жilовни кўйиб эшакка,
«Бошга тандир кийиб» юрлик ўзимиз.
Жоҳиллик панд берди — ҳалокат аннiқ,
Энди на «урра», на «дод»лар ютади.

Сиз ўттиз санайсиз элнинг ҳаққини,
Қаламдор йўл топиб, тўққиз қилди.
«Нега?» деб сўрсангиз, шаккоксиз — тамом!
Ивюю, бад маълумотлар ютади.

Шукрки, қатaгoн пайтимас, йўқса,
Сургун қилардилар исмингиз учун.
Ҳозир у шамоллар махфийроқ эсар,
Нурни ҳамон хурофотлар ютади.

Мажлисдан чиқасиз паришон, руҳсиз,
Эҳ, яна нимани бой берди улус?
Менинг қонларимда битта хайф оқар,
Бунёдни тоқай барбодлар ютади?

Менга-ку қутлудир ҳар бир лутфингиз,
Нетай, сўз уқмаса руҳи сийлар?!
Гап бор-ку, чавандоз нолон бўлса гар,
Зуғумини доно отлар ютади?

Шер шунга етганда тугади радиф,
Барибир айтаман сўнги сўзимни.
Ва унинг ростлиги учун шарт бўлса,
Гаровга қўяман икки кўзимни:

— Иймон, эътиқодсиз дунё, тожу-тахт,
Салтанат бир қарич катак бўлади.
Ўртасидан бўлса Ҳазрат Румийнинг,
Эски қовушига патак бўлади.

Устоз, сизга маълум қизил фалсафа:
Жон — даълат мулкидир, рух — даълат мулки,
Эркин Воҳидники бўлса ҳам қарвон,
Сарбон ётникидир, ётлар ютади.

1985 йил

ҚОДИРИЙНИ ЭСЛАБ...

Қолди фақат халқнинг «дўстлари»,
Халқ «душман»и — Қодирий кетди.
Алвон кўйлақ кийган, эй Ватан,
Гуллаб-яшнаб кетасан энди,
Ўтган куннинг қаро кун бўлса,
Келар куннинг нурафшон бўлар.
Мачитларсиз, жойнамозарсиз
Сени обод қилади дўстлар.
Номдор бўлиб кетасан, халқим,
Битиб кетар каму-кўстларинг.
Душманларни фош қилиб охир,
Омон қолди фақат дўстларинг.
Замонанинг зайлига қуллук,
Беклар ётдир яхшими-ёмон.
Кўкан бўлсин ҳамма ўзбеклар,
Ва ўлпунча кўтарсин кетмон.
Қозон умум, кўрпа умумда,
Қилсин фақат умум юмушлар,
Отабеклар пахта экишсин,
Ўза чописин энди Кумушлар.
...Ярим аср, қисқами-узун,
Юртни жаннат жой қилиш учун
Читит эккан Отабекларни,
Кўканларни бой қилиш учун?
Фақат дўстлар билан қолсаю,
Шавкатли эл қулга айланса.
Қизларининг нафис кўли тош,
Жувонлари тулга айланса.
Хордир азон айтар мезона
Тутун пурқар минор мўътабар,
Бадном кимки деса «бисмиллоҳ»
Кимки деса «Оллоҳу акбар».

Дўст-душманин саралаган, эл,
Элиқ йилиқ томошанга кел.
Мен ҳолинга жим боқиб, халқим,
Бир маънони оғриниб ўқдим:
Дўстлар шундай бўлса, ўзинга
Қодирийдай «душман»лар тўққин.

1989 йил

АЙЛАНИБ ЎТИШ

Айланиб ўтишдан чарчадим,
Менга ҳам йўл беринг, қуриган тоғлар.
Сурати ҳаёту, сийрати ўлим,
Тани қулоч етмас чириган тоғлар.
Ёдимда: йўғонроқ дарахт учраса,
Хушомад, тавзимда этилганингиз...
Тераклар ёшликдан тўғри эдилар,
Уларни қуёшдан тўсмоқ қасдида,
Осмонга яқинроқ ўсмоқ қасдида,
Барглари хўп ёзиб, керилганингиз.
Тераклар ёшликдан бўйчан эдилар,
Ҳам қувноқ, ҳам бироз ўйчан эдилар.
Шу гуноҳи учун иллизларингиз
Уларни қақшатиб юрдилар зимдан.
Факат курт боқдингиз вужудингизда,
Офтобни едингиз, сувни едингиз.
Сасиғалафлардан, семизўтлардан
Асло бўшмади сояларингиз.
Бутоғингиз қарға, зоеғарга паноҳ,
Саввалар ҳайдалди, қумрилар қувғин,
Булбуллар сургунда, сизнинг эмас, оҳ,
Гулнинг таврифини қилгани учун.
Терак-чи, не олди ағамдан бошқа
Сиз билан камоли замондош бўлиб?
Сабаби: айланиб ўтишдан бошқа
Ҳар нега чилди ўлиб, тирилиб.
Ялпизлар кеч қолди сизни айланиб,
Баҳорларидан.
Жилғалар кеч қолди сизни айланиб,
Анҳорларидан.
Пайлақлар учдилар сизни айланиб —
Ёзлар кечикди.

Исик ўлкалардан сизни айланиб,
Ғозлар кечикди.
Бошидан оёғи илдам жонзоғлар
Айланиб ўтди.
Жонидан номуси беқадр зоглар
Айланиб ўтди.
Сабогли тераклар қуёшга етди —
Улғайиб кетди.
Энди сиз айланинг, охираг етди,
Охираг етди.
Яқинлаб келмоқда биз томон энди
Баҳорий онлар.
«Айланиб ўтиш»ни кўрсатар сизга
Шашод шамоллар!

1989 йил

ЭСКИ ҚОЛИП ВА ЯНГИ ФИШТ

Курилишда тўпалон:
«Бизга яхши фишт керак.
Қайта-қайта куришдан,
Сиқилиб кетди юрак.

Йиқилмоқда деворлар,
Қинғир-қийшиқ фиштимиз.
Бу аҳволда ҳеч қачон,
Юришмайди ишимиз».

Дер курилиш каттаси:
«Ўзни босинг, халойиқ,
Арзимас бир камчилик,
Наҳот исёнга лойиқ?!

Йиғиламиз, кўрамыз,
Катталар бор бу ерда.
Комиссия аниқлар,
Хато қилдик қарда»

Йиғилдилар, хатони,
Қидирдилар ўттиз ой.
Ва ниҳоят топилди,
Фиштни бузган «нозик жой».

Қарор чиқди газетда:
«У айб топилди лойдан.
Фишта энди тупроқни,
Келтиринг бошқа жойдан».

Табииқ бўлди ҳаётга,
Икки йилда қарорлар.
Икки йил тинч яшаши,
Курилишда саркорлар.

Ўғирлаю ташмала,
Ўйлашиб ўз роҳатин,
Курилиш ҳисобидан
Битқазди иморатин.

Уйни кўтиб каттада,
Эл яшади оч-юлун.
Тезроқ бита қолсин деб,
Ҳали қилди бор-бўлин.

Қайта бошланган бино,
Битмай йиқилди яна.
Одамлар билдилар айб,
Лойда эмас, қолипда.

Улар дедилар: «Тоқай,
Бузиб, қайта бошлаймиз?!

Қолип янги бўлмаса,
Ҳаммамиз иш ташлаймиз!»

Катталар деди: «Бўтти!
Шартингизга кўнамыз.
Аввал ўша қолипни,
Бир текшириб кўрамыз»

Текширдилар икки йил,
Келишиб муросага.
«Янги яшаш керак» деб,
Келишди ҳулосага.

Аммо... «Янги қолип-ку,
Бизларга ҳам ёқади.
Лекин битса қурилиш,
Бизни нима боқадий?»

Қувлик қилди сарқорлар,
Нафс тушди орага.
Ўша яшил қолипни,
Бўядилар қорага.

Янги қолип янги-да,
Бошқачадай гипслари.
Кўнгли тинди улуснинг,
Юришгандай ишлари.

Найранг маълум бўлунча,
Ўн йил тинчлик бўлади.
У пайтгача ё эшак,
Ё эгаси ўлади.

1988 йил



Ҳадиғалар саҳифаси

Болалар, болалар, ҳой, болалар,
Қаби кўёш, ой, болалар.
Сиз аҳил соғ бўсангиз,
Юрт бўлади бой, болалар.



Болалар, болалар, ҳой, болалар,
Қаби кўёш, ой, болалар.
Сиз аҳил соғ бўсангиз,
Юрт бўлади бой, болалар.



БОТИР БОЛА

Аяси Илҳом билан
Боришмоқчи меҳмонга.
Илҳом берилиб қарар
Телевизор томонга.

Онаси шошилиб дер:
— Болам, тургин, кетайлик.
Бувинг кутаяптилар,
Илҳақ қилмай етайлик.

Аясидан Илҳомжон
Эрқаланиб сўради:
— Мен бормасам майлими?
Ҳозир мульттик бўлади.

Ўзингиз бораверинг,
Мен қолай, аяжоним,
— Уйда бир ўзинг қолсанг,
Қўрқасан, болажоним.

— Қўрқмайман, нега қўрқай,
Бораверинг, — дейди, у
— Ўзим ёлғиз эмасман
Диктор акам борлар-ку.

«УСТОЗ»

Ака-ука Шерзод, Нозим
Тўполончи бўлишган.
Иккиси ҳам ҳеч турмас жим,
Гоҳ инोक, гоҳ уришган.

Гоҳ ҳовлида тўп тениб, гоҳ
Аскар бўлиб юришар,
Айлари уришса-чи,
Қиқир-қиқир кулишар.

Кейин эса ишларидан
Келганида даласи,
Ҳаммасини битта қўймай
Айтиб берад аяси.

«Вой, шулар-а?!» — дер, даласи,
Ҳал, сизларни, уят-э!»
Аясини юпатару,
Бошлаб берад қарат.



БАҲОНА

Ишга борманг, ажон,
Мен ҳам бормай боғчага.
У ерда сизни ўйлаб,
Соғинаман кечгача.

Ишга борманг, ажон,
Чарчаб, ҳориб кетасиз.
Уйда ўтириб мента,
Эртак айтиб берасиз.

Ишга борманг, ажон,
Учашти чап қовоғим,
Иситмам бор шекилли,
Оғришти томоғим.

— Қўриқингиз, нега кўриқингиз?
— Қўриқингиз, — яна ҳам.
— Уйда ётиш зарарли.
— Диндор ҳам бормангиз.

БОЛАЛАР

Болалар, болалар, ҳой, болалар,
Қалби Куёш, Ой болалар.
Сиз ахилу соғ бўласангиз,
Юрт бўлади бой, болалар.

Кўзларнинг оқ қорасисиз,
Ватаннинг тул, доласисиз.
Миллатингиз ким бўлса ҳам,
Ўзбекистон боласисиз.

Одам Ато — отамиз бир,
Момо Ҳаво — онамиз бир,
Аҳил бўлинг, тотув бўлинг,
Дунё деган хонамиз бир.

Иймон қалбда офтобингиз,
Ота-она моҳтобингиз.
Бутун дунё боласиз,
Ибрат бўлсин одобингиз.

Ихлос бўлсин диллингизда,
Шукр бўлсин тилингизда.
Боболарнинг ҳикматлари,
Чирок бўлсин йўлингизда.

«ЭНАГА»

Бола кўриб кўйди юратим,
Кизларининг отлари — Армон,
Тикиб бериб афсусдан кўйлак,
Надоматдан едираман нон.

Чўмилтириб кўяман баъзан,
Иссиқкина кўз ёшим билан,
«Ухланглар», деб ўраб кўяман,
Хариргина бардошим билан.

Содда-ю шўх ўғилларига,
Орзу дея кўйганман отлар,
Улар ерда учмоғим учун,
Ўзим ясаб олган қанотлар.

Бола-да, гоҳ қилишса шўхлик,
Бу дунёга сизмай қоламан,
Ўғилларни бир қувиб солиб,
Кизларини чимдиб оламан.



Машрабона оҳанглари

Никое аҳли бўлса жам, ула даврага ўзингни ур,
Иккилу Машрабдин айт, «Ушугу» «Дугоҳ» бўлмаса



ХАРИДОР

Эй, руҳи равоним, биз Сента харидор,
Эй, қоши камоним, биз Сента харидор.

Эй, ҳаммадан аъло, эй, якка-ю танҳо,
Эй, жони жаҳоним, биз Сента харидор.

Эй, таблари хандон, эй, яхши суҳандон,
Соҳиби замоним, биз Сента харидор.

Эй, сўзлари ашъор, эй, қудрати ошкор,
Эй, жисми ниҳоним, биз Сента харидор.

Эй, покиза хилқат, эй, айни ҳақиқат,
Эй, покдомоним, биз Сента харидор.

Эй, сўзлари ҳикмат, эй, соҳиби ҳиммат,
Эй, мангу омоним, биз Сента харидор.

Мен сув каби тоштан, мен — йўлдан адаштан,
Сен роҳи калоним, биз Сента харидор.

Малҳингдан очиб сўз, лутфингга тикиб кўз,
Роҳатда бу жоним, биз Сента харидор.

Эй, зўру раҳмдил, эй, поки чуҷуктил,
Эй, яхши ҳоқоним, биз Сента харидор.

Кимларни қилиб ёр, кимдан этасан ор,
Эй, қаҳри ёмоним, биз Сента харидор.

Маҳшарда этиб жам, айтсанг эди Сен ҳам:
«Эй, ранги сомоним, биз Сента харидор».

УРУШМА

Нисон бўлсанг, ҳалим бўл, доно билан урушма,
«Тор бўлиш, кенг бўлди», деб, дунё билан урушма.

Ёши улуғни кўрсанг таъзим, тавозеда тур,
Масъаб билгин ўзингни, тилло билан урушма.

Ёрми сен ҳақ эрурсан, тутгин ўзингни мағлуб,
Мискин, бечора, кўнгли яро билан урушма.

Қиммат қариндош билан аҳил бўлсанг, бойдирсан,
Ёнор китобини сўзисан, маъно билан урушма.

Нотанишнинг амрисиз оёққа кирмас тикон,
«Тошанину қуридинг», деб, дарё билан урушма.

Қушнисан ё замондош, аҳил бўл, меҳрибон бўл,
Нутқарист, насроний ё тарсо билан урушма.

Ҳам келганида, Марҳабо, сабр эт, шукр эт,
Завқ ҳам ол, журму неъилар қилиб, Аллоҳ билан урушма.

БЎЛУР

Тан каро бўлганда ҳам, иймонли қалб оппоқ бўлур,
Тани оқ, қалби қарога мард нечун ўртоқ бўлур?

Мард киши номард билан қилганда жанг ботир бўлиб,
Мискинун бечораларнинг олдида кўрқоқ бўлур.

Бўлса суҳбатдош ширинсўз, шод бўлиб вайрон

Бир кўрай, деб, яхшилар дийдорита муштоқ бўлур.
кўнгил,

Бой эмас хайру савоб, гар бўлмаса бойда агар,
Бой уйин пештоқида «эхсон» деган байроқ бўлур.

Бор калом: «Паст тут бошингни ота-она олдида»,
Рози этмоқ истаганнинг ҳар сўзи юмшоқ бўлур.

Дейдилар: «Иймонли бир кул Фиръвондан ҳам улут,
Ихлос аҳлини чехраси ҳам, қалби ҳам порлоқ бўлур».

Ғийбатун беҳудда сўздан, Марҳабо, қилсанг ҳазар,
Шукр ила, Ҳақ зикрида пок тилларинг сайроқ бўлур.

ИЛОЖИНГ ЙЎҚ

Уятдан эй, кўнгил, ғамларга тўлмасдан иложинг йўқ,
Ва шундоқ ғамга тўлидигки, тўкилмасдан иложинг йўқ,

Бисоли-обирахматни гиёҳ янглиғ қутиб толдинг,
Фироқ жазирасида энди сўлмасдан иложинг йўқ.

Амorsa ошиғ аҳлини расою норасоларга,
Ғалосан, норасоларга қўшилмасдан иложинг йўқ.

Сента гўё қаҳр қилди вабо теккан қавм бўлидиги,
Шериклар хаста бўлгач, хаста бўлмасдан иложинг йўқ.

Сента эп кўрмали ўзин танитмоқни, дегил, доджим,
Куфр исканжасида энди ўлмасдан иложинг йўқ.

Ўлим солиҳ кўнгилга шодлиғу сента қиёматдир,
Чўчиб даҳшатида қочсанг, тутилмасдан иложинг йўқ.

Иймоннингдан ажратан нафс ёвингдирки, уни боғлаб,
Сабр болгаси-ла чопиб, қутилмасдан иложинг йўқ.

Ҳисоб вақти сента келгач, уятдан юзларинг ёниб,
Чурук, хор кафанинг бирдан тўсилмасдан иложинг йўқ.

Ўқилса номаи аъмол, чиқар исёнларинг бир-бир,
Гуноҳлар юкидин эй, воҳ, бўкилмасдан иложинг йўқ.

Сени расвойи олам қилган ул Шайтон ёқосига
«Мени не қилдинг, эй наҳс?» деб, осилмасдан

иложинг йўқ.

Раҳмил Зот раҳм қилсин, қар қилса, агар, билки,
Аланта аждаҳосига ютилмасдан иложинг йўқ.

Надомат ҳам ибодат эй, қўнғил, йиғла, айт истифро,
Умр ўтиб бородирки, шошилмасдан иложинг йўқ.

Борса сўраб борган киши-ла, Ҳақ ризолити борур,
Ё мусофир, ё ғариб, ё азалорга қарз беринг.
Қарз беринг, аммо тўвоҳлар бирла қотозга ёзиб,
Олган-у бермоқ кўнин битиб қарорга қарз беринг.
Қарз олувчи айтиб-айтиб ёздируқим, шарт шудир,
Бу улғ оятки, ҳар бир бемалорга қарз беринг.
Тўшманг асло бейимон, алдоқчилар қўлига сиз,
Ўйлаб-ўйлаб ҳарқалай, иймони борга қарз беринг.
Қарз савоби, Мархабо, эҳсон, садақотлин улғ,
Қўрдингизки айтмадим, асло бекорга қарз беринг.

ҚАРЗ БЕРИНГ

Ақангиз бўлса агар, ҳожати борга қарз беринг,
Зориқиб, изиллаган, муштоқу зорга қарз беринг,

Янши ниёт-ла бир иш қилмоқчи бўлган қалта қўл,
Қўнғил кенг, аммо, бироқ, имкони торга қарз беринг,

Қарз беринг борса, диёнатги, хешу, қўшни агар,
Ҳеч демасман, муттаҳам, тўл, нобақорга, қарз беринг,

Сизнинг олдингизга бормиш, юз азоб, андиша-ла
Йўқ, деманг, бўлса агар, виждони борга қарз беринг,

Қарз сўраб борган киши-ла, Ҳақ ризолити борур,
Ё мусофир, ё ғариб, ё азалорга қарз беринг.

Қарз беринг, аммо тўвоҳлар бирла қотозга ёзиб,
Олган-у бермоқ кўнин битиб қарорга қарз беринг.

Қарз олувчи айтиб-айтиб ёздируқим, шарт шудир,
Бу улғ оятки, ҳар бир бемалорга қарз беринг.

Тўшманг асло бейимон, алдоқчилар қўлига сиз,
Ўйлаб-ўйлаб ҳарқалай, иймони борга қарз беринг.

Қарз савоби, Мархабо, эҳсон, садақотлин улғ,
Қўрдингизки айтмадим, асло бекорга қарз беринг.

БЎЛМАСА

Тўхтат ул суҳбатни, покил яхши ҳамроҳ бўлмаса,
Қалб тафаккурда бўлиб, сўз мағзи Аллоҳ бўлмаса.

Сочмасанг ҳикмат дурин, қўй, сўз учун очма оғиз,
Боши «бисмиллаҳ» сўнги «алҳамдулиллаҳ», бўлмаса.

Ихлос аҳли бўлса жам, ул даврага ўзингни ур,
Бедилу, машрабдин айт, «Ушшоғу», «Дулоҳ» бўлмаса.

Чорласа ҳар даврага, онгу шуур бирлан кўшил,
Нолишу дунё учун, «дод» ила «оҳ-воҳ» бўлмаса.

Тилга бўл хушёрки, Ҳақ номи ила ичгум қасам:
Беҳда сўз остида, дўзах деган чоҳ бўлмаса.

Ким агар ғийбатчилдир, шайтонга ҳамсуҳбат бўлур,
Ҳеч киши шайтон ила тургайми, гумроҳ бўлмаса.

Нурли эт йимон билан, сен, қалбинг осмонини дўст,
Кўкни ким, осмон дегай, Хушид ила Моҳ бўлмаса.

Чайнавор овқат билан, сен, тил агар сўзласа-ю,
Сўзида «Аллоҳу-Акбар», «Субҳаналлоҳ» бўлмаса.

Панд-насиҳат ҳалдин ошса, зерикиб қолгай киши,
Хуш табассум, пок ҳазил ҳам, сўзда гоҳ-гоҳ бўлмаса.

Мўмин эрмассан ишинг, эй, Мархабо, илм излабон,
Эрта-ю кеч, «шукр» ила, «астаффуруллоҳ», бўлмаса.

ТАСАВВУР

Турурсан нур сочиб, балки, зиёлирсан, зиёлирсан,
Кўнглилар баҳра олгувчи, наводурсан, наводурсан.

Ипак фельсан, ҳалим, юмшоқ, садаф кўнглинг,
ҳарир, опшоқ, ўзингсан бир — ўзингсан тоқ, фазодлирсан, фазодлирсан.

Учиб парвонадай гир-гир, етолмасман, бу қандай сир,
Кўлимни теккизолмам бир, сабодлирсан, сабодлирсан.

Топилмас Сен каби хушрўй, мени мажнун қилар
бу ўй, бирам нозик, бирам хушбўй, ҳаводлирсан, ҳаводлирсан.

Буюклир зотинг-эй, ҳай-ҳай! Бўларми Сента ҳамд
айтмай?! Шаҳаншоҳанки борлиққа, жилодлирсан, жилодлирсан.

Ақл дилни сўқар: «Осий, куфр кетма, тилингни тий»,
Гўзал ёғду, биру, боқий, садодлирсан, садодлирсан.

Бу хаста Мархаболарга, гуноҳкор, пурхатоларга,
Висолинг деб гадоларга, шифодлирсан, шифодлирсан.

МЕҲМОН КЕЛДИ

Меҳмон келди эшикдан, танимизга жон келди.
Чеҳраларга табасум, томирларга қон келди.

Яшнаб кетди ҳамма ёқ, қизилди тандир, ўчоқ,
Дилларимиз бўлди чоғ, севимли инсон келди.

Борарга топмай чора, соғингандлик минг бора,
Бизни қилмай оввора, ўзлари осон келди.

Йўлда эди кўзимиз, дуодайли кўлимиз,
Яхши биродаримиз, сихату, омон келди.

Меҳмон кўнгли хуш бўлди, қанот чиқди, куш бўлди,
Жойнамозлар кўш бўлди, соҳиби иймон келди.

Тўтиб ўзни хор-хаста, суҳбатлашар ораста,
Тўла турар обдаста, дўстки покломон келди.

Болалар бўлиб тотув, кўлларига қуяр сув,
Ёнбошлашга кўш парку ва ўртага хон келди.

Унга хурматлар билан, яхши суҳбатлар билан,
Нозу-неъматлар билан, оппоқ дастурхон келди.

Олдига кўйиб таом, айт, Марҳабо, хуш калом,
Жон фидо қил, вассалом, мавсуми эҳсон келди.

ҲОЖИЛАР

Ҳақ уйида меҳмон бўлган ҳожилар,
Тўлақдай пок инсон бўлган ҳожилар,

Сафо-Марва ўртасида югуриб,
Арофатда тирён бўлган ҳожилар

Чеҳрангиздан иймон нури балқийди,
Аллоҳ, деса, кўз ёшингиз қалқийди,

Хай-хай ҳожим, келдингизми жаннатдан?
Эгингиздан мушки анбар анқийди.

Йўлингизда поёндоз бўлди жонлар,
Уйингизга тўлиб кетди меҳмонлар,

Ҳамроҳ бўлсин сизга абад бу поклик,
Кутлуғ бўлсин, «ҳожим» деган унвонлар.

Юмушингиз энди эҳсон, саховат,
Яхши сўз, яхши иш ва яхши одат.

Ҳасад қилмай ҳавас қилган кишига,
Насиб этсин, сиз эришган саодат.

МУНДАРИЖА

ЎЙИМ — ОЛТИН КЎРҒОНИМ	4
Ўзук	4
Жаннатга кетган гурӯҳ	8
Ихлос аҳлининг фалсафаси	10
Куйган қизнинг надомати	13
Кулранг сочлар манзараси	16
Марсия	17
1 июнь — болалар кўни	19
Энг яхши ҳасад	23
Кўшникжоним, айланай	29
Йўқолган шаҳар	32
Қизалоқнинг орзуси	35
ИСТИҚЛОЛДАН АВВАЛ ЁЗИЛГАН ШЕЪРЛАР	38
Ўйғониш	38
Эрк	39
Училишлар	40
Маскот вақти, Тошкент вақти	42
Кўргазма	43
Тескари эртак	46
Бритадир	48
Болтавойнинг «ситир»лари	50
Орзу	51
Шоирни ғамгин кўрганда	52
Қолирийни эслаб	54
Айланиб ўтиш	56
Эски қолип ва янги фиш	58
НАБИРАЛАР САҲИФАСИ	
Ботир бола	62
«Устоз»	63
Баҳона	64
Болалар	65
«Эната»	66
МАШРАБОНА ОХАНГЛАР	
Харидор	68

Ўйғониш	69
Ўзук	70
Ихлос аҳлининг фалсафаси	71
Куйган қизнинг надомати	73
Кулранг сочлар манзараси	74
Марсия	75
1 июнь — болалар кўни	76
Энг яхши ҳасад	77

Адабий-бадъий наср

МАРҲАБО

(Марҳабо КАРИМОВА)

ТАНОВАРНИ ЎРТАНВОЛАМИЗ

Шевриар

Муҳаррир *М.Талипова*

Мусаххик *И.Турсунова*

Саҳифаловчи *Б.Аббосова*

Нашр. лиц. А1 № 276 15.06.2015

Босишта рухсат этилди 21.09.2017 й. Бичими 84x108 1/32

Оффет коғози. Ризоиграф усулда. Times гарнитураси.

Шартли босма табоғи 4.07. Нашр хисоб табоғи 5,7.

Адади 1000 нусхада. Буюртма № 18.

«LESSON PRESS» МЧЖ наприёти

100071, Тошкент ш., Камолон кўчаси, Эркин тор кўчаси, 13

«ADAD PLUS» МЧЖ босяахонасида чоп этилди.

Манзиг: Тошкент шаҳри, Бунёлкор кўчаси, 28-уй.